



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 20 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 36 (12.597)

Баҳоси эркин нарҳда

Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги ҳамда жорий йилнинг 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ушбу йўналишдаги амалий ишларни бутунги кун талаблари даражасида йўлга қўйишда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Танловлар

ЭНГ ФАОЛ ЁШ ТАРҒИБОТЧИЛАР ЎЗ ИҚТИДОРЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ

Жойларда ўтказилаётган «Энг фаол ёш тарғиботчи» кўрик-танлови ҳам белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил қилинди.

«Пойтахт» бизнес марказида Республика Маънавият тарғибот маркази ва «Камолот» ЁИХнинг Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида ушбу танловнинг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

— «Энг фаол ёш тарғиботчи» кўрик-танловини ўтказишдан қўзланган асосий мақсад мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, ёшлар орасидан иқтидорли тарғиботчиларни излаб топиш, ёш нотик ва бошловчиларнинг фаоллиги ва маҳоратини ошириш, улар орасидан янги иқтидорларни кашф этиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборатдир, — дейди «Камолот» ЁИХ шаҳар Кенгаши бўлим мудир Уткир Маҳаммов. — Танловда туман босқичларида ғолиб чиққан 22 нафар иқтидорли ўғил-қизлар ўзаро беллашмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки ёшлар, саҳнада шеър ўқиш, эркин мавзуда маъруза қилиш ва ҳакамлар ҳайъати томонидан тақдим этилган матнни ўқиб бериш шартлари асосида ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Танловда ёш тарғиботчиларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билими, маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини тўғри тушунира олиши, дунёқараши, фикрлаш доираси, саҳнада ўзини тута билиши, нутқининг равлони, товуш уйғунлиги ва қийиниш одобига ҳам эътибор қаратилди.

Танловнинг барча шартлари ижро этилганидан сўнг қизлар орасида биринчи ўрин Бектемир туманидаги Республика телевидение ва радиотехника касб-хунар коллежи ўқувчиси Гулшаной Ҳайдаровага, ўғил болалар ўртасида эса ғолиблик Миробод туманидаги Тошкент ҳарбий телекоммуникация академик лицейи ўқувчиси Бахриддин Гобовга насиб этди.

— Бу танлов биз ёшларнинг ўзини-ўзи бўлган ишончимизни мустаҳкамлаш билан бирга, келажакда янада фаол ва ташаббускор бўлишга, изланишга, интилишга чорлайди, — дейди Гулшаной Ҳайдарова.

Дарҳақиқат, эзгуликка хизмат қиладиган ҳар қандай тадбирлар ёшлар ҳаётининг мазмунли бўлишини таъминлайди. Шу билан бирга иқтидорларини янада шакллантиришга ва асосийси, Ватанини севишга, халқимизга сидқидилдан хизмат қилишга ундайди. Бинобарин, фарзандларимиз тафаккурининг янада бойишида бу каби танловлар муҳим аҳамият касб этади.

Танлов сўнггида ғолиблар ва иштирокчилар шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Маънавият тарғибот маркази шаҳар бўлимлари томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: «Энг фаол ёш тарғиботчи» кўрик-танлови ша

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Фуқаролик жамияти – ривожланган демократик давлатнинг асосидир, – деди элчи, ЕХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Дьердь Сабо. – Ўзбекистонда фуқаролик жамияти фаол ривожланмоқда. Ушбу жараёнда биз ҳам иштирок этиб, фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти каби ташкилотлар билан аниқ лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорлик қилаётганимизни таъкидлашни истардим. ЕХТга аъзо давлатлардаги халқаро экспертларни тақлиф этган ҳолда тadbирлар ўтказмоқдамиз, уларда иштирокчилар тажриба алмашиб, билимларини бойитмоқда.

2013 йилнинг декабрь ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунни нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашнинг мантикий давоми бўлди. Ушбу қонун жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда экологик назоратни таъминлаш амалга ошириш ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш масалаларини ҳал этишда фаол қатнашиш имконини яратди. Нодавлат нотижорат ташкилотларини янада ривожлантиришга қўмаклашиш мақсадида 2013 йил 12 декабрда Президентимиз Ислам Каримовнинг «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатга олиш, уларнинг ҳисобот топшириш тартибларини соддалаштириш, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзаро муносабатларининг таъкидлий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган. Бундан ташқари, давлат божи ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ва уларнинг рамаъларини давлат рўйхатига олиш учун тўланадиган йиғимлар микдори сезиларли даражада камайтирилди, давлат рўйхатига олиш бўйича муносабатларнинг адлия органлари томонидан қўриб чиқиш мuddати қисқартирилди.

Конференцияда нодавлат нотижорат ташкилотларининг янада ривожланишини, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини таъминлашда уларнинг ролини қучайтириш мақсадида «Ижтимоий шериклик тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунларни тез мuddатларда қабул қилиш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари белгиланган берадиган қонунчилик талабларини бузганлиги учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини оширишни назарда тутадиган ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритиш ҳам муҳим масала бўлиб қолмоқда.

– Ўзбекистонда давлат нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ривожланишига ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда, – деди «Ўзбекистондаги минтақавий мулоқот» халқаро ноҳукумат ташкилоти (Словения) минтақавий директори Мьюша Север. – Ўзбекистон раҳбари томонидан ўтган йилнинг охирида қабул қилинган қарорда ННТларни рўйхатдан ўтказиш тартиби жиддий равишда соддалаштирилган, уларга қўшимча имконият ва имтиёзлар берилган бунга яққол мисол бўла олади. Ана шундай чора-тадбирлар туфайли ННТларнинг ижтимоий ва социал-иқтисодий фаоллиги ортиб, фаолият самарадорлиги юксалди.

Конференцияда фаолияти миллий қонунчилик ва халқаро стандартларнинг барча меъёrlарига мос келадиган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижобий тажрибасини қўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг давлат ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилишида нодавлат нотижорат т

БАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган аскарлар Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 20 декабрдаги тегишли қарорига биноан уйларига қайтмоқда. Жойларда уларни тантанали кутиб олишга бағишланган маросимлар ўтказилмоқда.



Алло Абдуллаев (ўзА) олган сурат

Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент марказий темир йўл вокзалида бўлиб ўтди. Ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари, аскарларнинг ота-оналари иштирок этган маросимда миллий армиямиз ёшларимиз учун ҳақиқий ҳаёт мактабига айланган алоҳида таъкидланди.

Тантанали кутиб олинган йигитлар орасида олмаликлик Муҳаммадали Маматов ҳам бор. Хизматни Жиззахдаги ҳарбий қисмлардан бирида ўтаган бу йигитнинг уйига қайтиши муносабати билан Абдумавлон ака хонадонида кўни-кўшни ва яқинлари жамулжам бўлишди. Уларнинг ўзлари хизмат қилган даврдаги ҳарбий хизматнинг машаққатлари хусусида бошлаган суҳбати бугун мамлакатимизда ҳарбий қисм ва муассасаларда аскарлар курсантлар учун яратилган замонавий шароит ва имкониятлар ҳақида давом этди.

Ўтган бир йил ичида фарзандимнинг нафақат қадди-қомати, балки фикрлаш тарзи, дунёқарши, муомаласи ҳам ўзгарибди, — дейди Абдумавлон ака. — Ҳарбий либосдаги йигитларни кўриб,

ўзимнинг кўп йиллар илгари юртимиздан жуда олисда ўтган хизматим ёдимга тушди. Айниқса, армиядан қайтишдаги қийинчиликларни эсласам, ҳалигача ўқинаман.

Армиядан қайтган М.Маматов Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг қақирққача ҳарбий таълим факультетига ўқишга кириш ниятида. Қўмондонлик берган тавсиянома унинг орзусига қанот бағишлаши, шубҳасиз.

Ўз йигитлик бурчини муваффақият-ли ўтаб қайтганлар орасида пискентлик Шерзод Муталов ҳам бор. У хизмат давомида сафдошларига ҳар жиҳатдан ўрнак кўрсатди. Олий ўқув юртига ўқишга киришга қўшимча балл олиш имконини берадиган тавсияномага эга бўлди. Армияда ҳар томонлама тобланган бу йигит келажакда офицер бўлишга аҳд қилган.

Орзуларини ушалаётганидан хурсандман, — дейди Шерзод. — Энди Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга кириш учун тест синовларида тайёргарликни давом эттираман.

Армиядан уйига қайтаётган Шерзод сингари йигитларнинг ўқиш ва ишга кириб, ҳаётда ўз ўрнини топишида Президентимизнинг тегишли қарорларига мувофиқ берилётган имтиёзлар катта имконият яратмоқда.

2007 йилда муддатли ҳарбий хизматдан тавсиянома билан қайтган янгийўллик Ҳалимжон Мадаминов Тошкент темирйўл муҳандислари институтига имтиёзли равишда ўқишга кирди. 2012 йили мазкур даргоҳни тамомлаган бу йигит ҳозир темирйўл тизимида самарали меҳнат қилмоқда.

— Давлатимиз раҳбари томонидан биз, ёшларга берилётган имконият ва имтиёзлардан унумли фойдаланиб, ўзимга маъқул келган касб эгаси, уй-жойли бўлдим, — дейди Ҳалимжон. — Бошқача айтганда, оилам билан бахтли ҳаёт кечирмоқдам. Ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган бу бахтга эришиш имкониятини яратиб берган Президентимиздан ҳамиша миннатдоримиз.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири

НАМКОРБАН

Спорт янгиликлари

МУСОБАҚА ЯКУНИГА ЕТДИ

Пойтахтимизда тезкор шахмат бўйича уюштирилган турнир якунига етди.

Кизиқарли ва мurosасиз курашларга бой кечган бахслар якунида эркаклар ўртасида Азамат Аҳмедов, хотин-қизлар ўртасида Сарвиноз Қиличева ҳамда ўсмирлар ўртасида Алмаз Раҳматуллаев биринчи ўринни эгаллашди. Ғолиб ва совриндорларга совринлар туҳфа этилди.

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

Шахримизда волейбол бўйича аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг биринчи тур баҳсларига старт берилди.

Ушбу мусобақада 5 та жамоа ғолиблик учун кураш олиб бормоқда. Пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилаётган СКИФ жамоаси дастлабки учрашувда «Хоразм-Телеком» командаси билан куч синашди ва ғалаба қозонди.

Туркиянинг Анталия шаҳрида ўқув-йиғин машғулотли ўтказган «Бунёдкор» футбол жамоаси сўнгги ўртоқлик баҳсида Донецкнинг «Шахтёр» клуби билан куч синашди.

ЎРТОҚЛИК БАҲСИ

Ўйин анча кизиқарли курашлар остида ўтди. Тошкентликлар рақиб дарвозаси олдида кўп марта хавф-

ли вазиятларни содир этишди. Бироқ бу вазиятлардан футболчиларимиз самарали фойдалана олишмади.

90 дақиқа давом этган учрашувда украиналиклар томонидан киритилган ягона гол ўйин охирига қадар ўзгармади.

Энди «Бунёдкор» мавсумга тайёргарликни Тошкентда давом эттиради.

81 килограммгача бўлган чарм қўлқоп усталари орасида учинчи ўринга лойиқ топилди.

БОЛАЛАР СПОРТИ
РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Келажакимиз ворислари — ёшларимизнинг маънан етуқ, жисмонан бақувват бўлиб вояга етишларида уч тизимли — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ҳамда «Универсиада» спорт ўйинларининг аҳамияти катта.

Шу пайтгача «Баркамол авлод» мусобақаларида ўсмирлар спортининг 12 тури бўйича медаллар шодаси учун беллашишар эди.

Эндиликда «Баркамол авлод» мусобақаларида ёшлар спортининг 16 тури бўйича куч синашадиган бўлишди. Яъни олимпия спорт турларидан тэквондо WTF, бокс, оғир атлетика, эркин ва юнон-рум кураши «Баркамол авлод» мусобақалари дастуридан ўрин эгаллади. Бу ўсмирларнинг юқорида номлари келтирилган спорт турларини мукамал ва пухта эгаллашлари, халқаро мусобақаларга эрта тайёрланишларига имкон яратди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Жорий йилги футбол мавсумига жиддий тайёргарлик кўришга аҳд қилган пойтахтимизнинг «Пахтакор» жамоаси яқиндагина Туркиядан Тошкентга қайтиб келган эди.

СЎНГИ ЙИГИН

Туркияда уюштирилган ўқув-машғулот йиғинлари доирасида пахтакорчилар Россиянинг бир нечта клублари билан назорат-ўртоқлик учрашувларида омадларини синаб кўришган эди. Шундан сўнг маълум муддат Тошкентда машғулотларини давом эттирган пахтакорчилар ҳозирги кунда яна Туркияди.

Мамлакат XXII миллий чемпионатида юқори натижага эришишга аҳд қилган пахтакорчилар мавсум олдида сўнгги машғулот йиғинларини яна Туркияди ўтказишди. Футболчиларнинг жисмоний, руҳий ҳолатларига эътибор қаратишга жазм этган мураббий